ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 3 (281) | 2002 йил 16 январ, чоршанба | Газета 1996 йил январ ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 январ куни Оқсаройда Япония Бош вазирининг махсус вакили, ушбу мамлакат ҳукуматининг собиқ раҳбари Йоширо Морини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари икки томонлама муносабатлар ва халқаро майдондаги вазиятга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имконияти туғилганидан мамнуният билдирди.

- Сизни Японияниг Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори бўлган нуфузли сиёсий арбоби, деб биламиз. Сиз ҳукуматни бошқарган кезлари Токиода Ўзбекистоннинг кўргазмаси бўлиб ўтган эди. Унга ташриф буюрганингиз бизни беҳад мамнун этганди. Биз сизнинг Ўзбекистонга самимий муносабатингиз, қизиқишингиз ҳамиша юқори эканини яхши биламиз, - деди Ислом Каримов.

Учрашувда Й.Мори Президентимизга Япония Бош вазирининг мактубини топширди. Унда Япония ҳукуматининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни янада кенгроқ қўллаб-қувватлашга тайёрлиги таъкидланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Японияниг иқтисодий ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Кунчиқар мамлакатининг иқтисодиётимизга киритган сармояси ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзбекистонда Япония сармояси билан ишлаётган корхоналар сони ўнтага, ушбу мамлакатдаги етакчи фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сони эса ўн еттитага етди. Шунингдек, мамлакатимизда Японияниг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Президентнинг Й.Мори билан учрашувида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказларни тузиш ва фаолиятини ташкил этишга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Селеверстова Надя Георгиевна - Хоразм вилояти 1-спорт мактаби мураббийси, рус миллий-маданий маркази

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Нурматова Муножотхон Қўчқоровна - Республика байналмилал маданият маркази директори ўринбосари, Тошкент шаҳри

Миллий маданият, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, фуқароларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини қондириш йўлидаги самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Бегимбетова Нурия Айтбаевна - «Прогресс» таълим ва тараққиёт маркази директорининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозоралиев Маъмуржон - Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани «Машъал» газетаси муҳаррири ўринбосари, қирғиз миллий-маданий маркази

Лян Ревмир - тадбиркор, Фарғона вилояти корейс миллий-маданий маркази раиси

Расулов Карим Расулович - Республика байналмилал маданият маркази директори, Тошкент шаҳри

Султонов Бекпулат - нафақахўр, Қорақалпоғистон Республикаси туркман миллий-маданий маркази раиси

Толбаев Умирзах Полатович - Жиззах вилояти қозоқ миллий-маданий маркази раиси

Эрматова Шарофатхон - «Ўзтелерадио» компанияси «Дўстлик» студиясининг бўлим мудири, Тошкент шаҳар «Ориёна» тожик миллий-маданий маркази раиси ўринбосари

«Шуҳрат» медали билан

Галушенко Ирина Георгиевна - Тошкент Давлат консерваторияси кафедра мудири, украин миллий-маданий маркази

Гарумянц Владимир Каспарович - нафақахўр, Самарқанд вилояти «Луйс» арман миллий-маданий маркази раиси

Жаунис Альгердас Броняус - нафақахўр, Тошкент шаҳар литва миллий-маданий маркази раиси ўринбосари

Тодоров Николай Михайлович - Республика «Болалар» жамғармаси қошидаги «Меҳр-таянчи» жамғармаси директори, Тошкент шаҳар болгар миллий-маданий маркази раиси

Халитов Рафаил Нигматович - Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси матбуот маркази бош муҳаррири, Зарафшон шаҳар «Нур» татар-бошқирд миллий-маданий маркази ҳамраиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 14 январь.

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига

Ҳурматли ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Сизларни ва бутун кўпмиллатли Ўзбекистон халқини Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг ўн йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Ҳар бир давлат, ҳар қайси мамлакатнинг тараққиёт даражасини, халқаро майдондаги обрў-эътиборини белгилашда, аввало, ундаги тинчлик, барқарорлик ва фуқароларо тотувликнинг нечоғли мустаҳкам экани асосий мезон бўлиб хизмат қилиши барчамизга яхши маълум.

Шу муносабат билан мен сизларга мурожаат қилиб, алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу - жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир. Бугунги кунда диёримизда яшаётган, тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган юздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшаётгани ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди. Азалдан мана шу қадимий ва муқаддас Ўзбекистон заминида турли маданият ва цивилизациялар вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келгани халқимиз табиатига хос бўлган меҳр-оқибатлилик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик каби ноёб фазилатларнинг янада кучайишида муҳим омил бўлди, десак асло хато бўлмайди.

Ҳозирги мураккаб ва нотинч дунёда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, бизнинг демократик жамият қуриш йўлидаги интилишларимизда бундай бебаҳо фазилатлар, айниқса, бағрикенглик нечоғли муҳим ўрин тутишини изоҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугун онгу тафаккуримиздан янада чуқур жой олаётган ватанпарварлик туйғуси бизга беқиёс кучқувват бахш этмоқда, узоқни кўра билишимизга, ўз кучимизга ишончимиз ортишига кўмаклашмоқда. Бу туйғу, аждодларимизнинг ҳаётида бўлгани каби, даврнинг машаққатли синовларини биргаликда енгиб ўтишда, турли хавф-хатар ва таҳдидларга мардона қарши туришда ҳозирги авлодлар учун ҳам руҳий мадад бўлмоқда.

Ўзбекистон - улкан имкониятлар мамлакати, ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз. Шундай экан, биз бу саховатли юрт бойликларини сақлаш ва кўпайтириш билан бирга, энг муҳими, ўзаро тотувлигимизни, ягона мусаффо осмон остида яшайдиган барча миллат ва элатлар асрлар давомида эъзозлаб келаётган, барчамизнинг руҳан бойишимизга хизмат қиладиган маънавий ва ахлоқий қадриятларни доимо ёдда тутиш, кўз қорачиғидек асраш лозимлигини асло унутмаслигимиз даркор.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий-маданий марказларнинг фаолиятини ривожлантириш учун бугун барча шарт-шароит ҳамда имкониятларни яратар эканмиз, бу билан биз одамларнинг тинч ва осойишта ҳаёти, эртанги кунга ишончининг мустаҳкам пойдеворини бунёд этган бўламиз. Мен сизларнинг турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстликни мустаҳкамлаш, одамлар ҳаётини янада бой ва мазмунли қилиш борасида олиб бораётган хайрли фаолиятингизни бундан буён ҳам собитқадамлик билан давом эттиришингизга қатъий ишонаман.

Ота-боболаримиздан бизга муқаддас мерос бўлган ягона Ватан туйғуси келажак авлодларимиз учун ҳам асрлар оша энг олий ҳақиқат бўлиб қолсин.

Барчангизга халқ фаровонлиги йўлида амалга ошираётган олижаноб ишларингизда муваффақиятлар тилайман. Қадрдонларим, сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ёр бўлишини, янги йилда барча истакларингиз рўёбга чиқишини тилаб қоламан.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«Mahalla»га жавоб:

«Кеч бўлса, чироқ ўчади».

2001 йил 19 декабр.

Мазкур мақолада пойтахтаги баъзи бир маҳаллаларда электр чироғи энг зарур пайтда ўчириб қўйилиши танқид қилинган эди. Шу мақола юзасидан Тошкент шаҳар Электр Тармоқлари корхонаси директори М. Р. ИКРОМОВдан олинган жавобда айтилишича:

Тошкент шаҳрида аҳоли томондан электр қувотидан ортиқча фойдаланиш шундай йўл тутилишига сабаби бўлган. Ҳозирги пайтда истеъмолчиларни бундай тартибда электр токидан маҳрум қилиш чораси қўлланилмаётир. Шаҳарда электр истеъмолчилари электрдан тўлиқ фойдаланмоқда.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари тинчлик-осойишталикда ягона оила фарзандларидек аҳилу иноқ яшамоқда. Уларнинг эмин-эркин меҳнат қилиши, санъати ва маданиятини, ўзига хос урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Республика байналмилал маданият маркази ана шу миллат ва элатларнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одати, анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнаётир.

Шу кунларда мазкур марказ ташкил этилганининг 10 йиллиги кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида ушбу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табригини Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаоллари Ватанимизнинг фахрий унвонлари ҳамда орден ва медаллари билан тақдирланди. Йиғилишда уларга ана шу юксак мукофотлар топширилди.

Ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз бўлган саховатли юрт бойликларини асраб-авайлаш ва кўпайтириш билан бирга, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, беғубор осмонимиз остида яшаётган барча миллат ва элатларнинг азалий маънавий ва ахлоқий қадриятларини янада бойитиш ва ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар муҳайё экани таъкидланди. Бу борада 120 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатаётгани халқимизнинг бағрикенглиги ва ўзга миллатларга ҳурмат билан муносабатда эканининг ёрқин намунасидир.

Тадбирда Хоразм вилоятидаги 1-спорт мактаби мураббийси, рус миллий-маданий маркази вакили Н.Селеверстова, Республика байналмилал маданият маркази директори К.Расулов ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда барча миллат ва элатларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Тантанали йиғилишда республикамизнинг атоқли санъаткорлари, миллий-маданий марказлар қошидаги бадиий жамоалар ва ёш ижрочиларнинг катта байрам дастури намойиш этилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснинов қатнашди.

ЎзА.

ШУ СОНИНИНГ

2-саҳифасида:

- *Зиёратга тараддуд давом этмоқда.*
- *Янги энциклопедияда янги маълумотлар.*
- *Сурхондарё маҳаллаларида ҳам муаммолар бор...*

3-саҳифасида:

- *Она билан бола - гул билан... нола.*
- *Ипак йўли изларидан.*
- *Бизнинг маҳалламизда...*

4-саҳифасида:

- *Янги ва яхши фильм.*
- *Геронтологияга Ибн Сино асос солган.*
- *Ҳар кимнинг ўз буржи бор, ўз тақдири...*

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Ҳатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ҲУҚУҚНИ БИЛГАН ҲАЁТНИ БИЛАДИ

Фарғона вилояти

СЕМИНАР

Яқинда Қўқон шаҳридаги маҳалла фаоллари иштирокида хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид икки кунлик семинар ўтказилди.

Семинарни ABA-CEELI Америка Юристлар ассоциацияси, OSI-AF Ўзбекистон очиқ жамият институти кўмак жамғармаси, WI-WILL Винрок Интернэшнлнинг WILL лойиҳаси «Хотин-қизларнинг интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги» дастури тренерлари Қўқон шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказишди.

Тренингда Америка Юристлар ассоциясининг гендер масаласи бўйича мутахассиси, прокурор Кристон Нельсон, ABA-CEELIнинг гендер дастури асистенти Гулзира Жумамуратова ҳам иштирок этишди. Унда Винрок-Интернэшнлнинг тренерлари Ҳамрохон Бекмирзаева, Эътиборхон Мамажонова ва Т.Собировалар қатнашчиларни Инсон ҳуқуқлари, Аёл ҳуқуқлари ва гендер тушунчаси, гендер тенгсизлиги муаммолари ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништирдилар.

Фаридахон ҲУСАИНОВА.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби ҳуқуқшунослик ва қонунчилигимизда ҳам кўплаб ижобий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Собиқ иттифоқ даврида адолатсиз меъёрлардан воз кечилиб, барча мавжуд муаммоларга инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндошилмоқда.

Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор

ҲАММАБОП ҲУҚУҚИЙ ҚЎЛЛАНМА

Биз олдимизга қўйган мақсад - кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти яратиш жараёнида эса аҳоли ўртасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга алоҳида эътибор бериш, айниқса ёшларимизни ҳуқуқий савиясини давр талаб этаётганидек - дунё андозасига мослаш энг муҳим масалалардан биридир. Шу ўринда ҳар бир фуқарога бирдек тушунарли бўладиган янги юридик адабиётларни чоп этиш ушбу масаланинг ечимини осонлаштиради.

Яқинда шу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Академияси олимлари томонидан юридик фанлари доктори, профессор У.Тожихоновнинг умумий таҳрири остида тайёрланган «Юридик энциклопедия» китобининг чоп этилиши ижтимоий ҳаётимизнинг, ҳуқуқий билимларимиз даражасини ошириш йўлидаги фаолиятимизнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Ушбу ҳуқуқий қўлланма орқали ўқувчи нафақат ҳуқуқий билим асосларига эга бўлиши, балки Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигининг мазмун ва моҳиятини ҳам, ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳам тўла англаши мумкин. Жумладан, юридик фани томонидан яратилган ҳуқуқий институтлар ва таълимотларни ўзлаштиришда ҳам бу китоб энг ҳозиржавоб ёрдамчидир.

Изланиш ва тадқиқотлар асосида яратилган мазкур ҳуқуқий китоб истиқлолга эришгандан кейинги йилларда муомилага кирган ҳуқуқий ибораларни, сиёсий воқелик хусусидаги билим ва тасаввурларни ўзида тўлиқ акс эттирган.

Бунгача чоп этилган шу йўналишдаги манбаалар ичида янги "Юридик энциклопедия"нинг бир нечта афзаллик жиҳатлари бор: ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида биринчи маротаба чоп этилмоқда; у - истиқлолга эришганимиздан кейин ҳуқуқшуносликда Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос менталитети ва қонун-



лари асосида давлат тилида яратилган илк асардир; унда жаҳон юриспруденцияси ютуқлари билан ўзбек ҳуқуқшунослиги ва қонунчилиги салоҳияти уйғунлаштириб берилган; китобхонлар бу манбадан ҳуқуқ тизимининг барча соҳаларига оид янги ва қизиқарли маълумотларни оладилар; энг муҳими, асар нафақат ҳуқуқшуносларга, балки барча соҳа кишилари, умуман кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган зарур дастурдир.

Мазкур қўлланмада моҳият ва мазмун ҳар томонлама кенг ёритилган: ҳуқуқ тизимидаги давлат, жиноят, маъмурий, фуқаролик, дин, меҳнат, оила, экология, конституциявий, молиявий, тадбиркорлик, мулк ва бошқа ҳуқуқ меъёрларига оид тушунча ва ибораларни мутоала қилиш, аҳоли ўртасида шу соҳадаги ҳуқуқий билимларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

«Юридик энциклопедия» демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари учун ҳам демократик ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишда яна бир ҳуқуқий манба, беназир қўлланмадир.

Шунингдек, китоб етук ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда ўқув қўлланмаси, ҳуқуқий қомус ва услубий материал сифатида хизмат қилади. Ушбу ҳуқуқий қомус жамият ва давлат манфаатларининг ҳуқуқий томонларини ўзида ифода этган, илк бор ўзбек тилида ёзилган, давр талаблари ва хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқий манбадир. У илмий-назарий ҳамда ҳаётий ва замонавий аҳамиятга эга бўлиб, ундаги материаллардан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Муаллифлар жамоасининг асосий ютуғи шундаки, қомусни яратишда ҳуқуқ тизимига оид барча терминларни содда, оддий тил билан янги қонунлар асосида тушунтириб беришга ҳаракат қилганлар. Унда замонавий ҳуқуқий ибора ва тушунчалар атрофлича шарҳланиб ҳуқуқий моҳияти ва мазмунлари мантиқий очиб берилган. Китоб кишиларнинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш каби долзарб масалани ечишда катта таъсир кучига эга бўлиши шубҳасиз.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

Эроннинг ИРНА агентлиги тарқатган хабарига кўра, мамлакат президенти М.Ҳотамий ва Афғонистон вақтли ҳукуматининг бошлиғи Ҳ.Карзай ўртасида телефон орқали суҳбат бўлиб ўтган. Суҳбат асосан иккала давлат ўртасидаги муносабатлар теварагида бўлган. Ҳ.Карзай Эрон томонини ўз мамлакатига кўрсатаётган моддий ва маънавий ёрдами учун миннатдорчилик билдирди.

***

БМТнинг масъул ходими Аҳмад Фавзи сўзларига қараганда 230 мингга яқин давлат хизматчилари олти ойдан бери маош олмаганлар. Давлат хазинасида деярли маблағ йўқ. Мамлакатни тиклаш ишларига 45 млрд. доллар ҳажмида маблағ зарурки, келгуси ҳафтада Токиога тўпланадиган донор давлатлар вакиллари Афғонистонга бериладиган молиявий ёрдамни тезлатишлари лозим.

***

АҚШга келган Россия ҳарбий маҳкамасининг вакиллари Пентагондаги ҳамкасблари билан иккала давлат ядро қуролларини чеклаш масаласи борасида музокаралар олиб боришмоқда.

***



Қозоғистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ўн мингта яқин махбус озод этиладиган бўлди. Озодликка асосан ногиронлар, қариялар, аёллар ва вояга етмаган ўсмирлар чиқарилади. Эълон этилган Фармонга кўра, бир ярим минг кишини жазо муддатлари енгиллаштирилади. Ҳозир мамлакат қамоқхоналарида 70 мингдан ортиқ махбус сақланаётган бўлиб, қамоқхоналар 65 минг кишига мўлжалланган эсада ҳар икки ойда мингта яқин махбус келиб қўшилмоқда.

***

Грузия президенти Э.Шеварданзе Абхазияда турган тинчликсевар кучларнинг бу ўлкада қолиш муддатини яна узайтиришга розилик берди. Маълумки, бу ҳарбий кучлар Абхазияда 1994 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Шартномага кўра тинчликсевар кучларни бу ерда қолиш-қолмаслик масаласи ҳар олти ойда кўриб чиқилади.

***

Бу йилдан бошлаб Россияда кашандаликка қарши кенг кўламда кураш олиб бориладиган бўлинди. Қабул қилинган қарорга кўра кино, театр тугул, ҳатто стадионларда ҳам чекиш манъ этилади. Сигареталар сотишга рухсат берилмайди. Тегишли ташкилотларга чекишнинг зарари ҳақида доимий олиб бориладиган ташвиқот ишларининг дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

***

АҚШ президенти Ж.Буш Эрон ҳукуматидан Афғонистондан қочиб бу мамлакатда паноҳ топган экстремистларни АҚШга топширишни сўраган. Бироқ Эрон президенти М.Ҳотамий унинг мамлакатида бундай шахслар мавжуд эмаслигини билдирилган.

Спорт

ИРОДА ТЎЛАГАНОВА КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Шу кунларда барча спорт мухлисларию мутахассисларининг эътибори «Катта дубулға» туркумига кирувчи тўрт мусобақадан дастлабкиси - Австралия очиқ чемпионати беллашувларига қаратилган.

Иқтидорли теннисчимиз Ирода Тўлаганова ҳам мукофот жамғармаси 8,6 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлган мазкур турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қиляпти. Дунё таснифида йигирманчи ўринда бораётган ҳамюртимиз биринчи даврада аргентиналик Мария Эмилия Салерни билан куч синашди. Учрашувни анча кўтарғ ғки руҳда ўтказган Ирода рақибасини 6:3, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Энди Ирода навбатдаги босқичда мусобақа дебютанти россиялик Светлана Кузнецовага қарши кортга чиқади.

ВАТАН ШАЪНИ МУҚАДДАС

Самарқандда 14 январ - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан бошланган оммавий ватанпарварлик ойлиги якунланди.

Ўтган бир ой мобайнида вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, вилоят прокуратураси, вилоят ҳокимлиги, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар иҳтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармаси ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказди.

Вилоятда спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турлари - авто-мото пойгаси, ракета, автомобил, кема, авиамоделлар, картинг, ёзги биатлон, триатлон, дуатлон, радиоалоқа тизимини ривожлантириш каби ишлар яхши йўлга қўйилган, - дейди «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилоят кенгаши раиси И.Ғафуров. - Спортнинг ушбу турлари бўйича мунтазам мусобақа ва беллашувлар ўтказилмоқда. Ўтган йили вилоят жамоалари мамлакатимиз миқёсидаги қирқдан зиёд мусобақада иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди. 2001 йилда 2 спорт устаси, 7 нафар спорт усталигига номзод, 25 нафар биринчи разрядли спортчи, 3 нафар республика тоифасидаги, 13 нафар биринчи тоифали спорт ҳаками тайёрланди.

УзА.

«Ҳаж-2002»

УЛУҒ ИБОДАТ

ЯЪНИ БЕШИНЧИ АРКОН ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС билан суҳбат.

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.

Бутун дунё мусулмонлари учун катта тантана бўлган муқаддас Ҳаж сафарига ҳозирлик давом этмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришганлигининг илк йиллариданоқ Ҳаж сафарини ташкил этишликда ҳукуматимиз раҳбарияти, хусусан, ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов жаноблари катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасидан муборак сафарга борувчи фуқароларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг махсус Қарори катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ходимлари бу ишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Хусусан, муборак Ҳаж сафарини ўтказиш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси зиммасидаги катта масъулиятдир. эканлиги бизга катта илҳом бахш этади. Буни биз Юртбошимиз томонидан динимизга берилган юксак баҳо, дин аҳлига билдирилган катта ишонч ва оталарча ғамхўрлик намунаси деб тушунамиз. Шу боис, бу юксак ишончни оқлаш мақсадида Ҳаж сафарини ҳар томонлама муваффақиятли ўтказишга, зиёратчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини одилона қондиришга, уларга қулай шароитлар яратишга сидқидилдан ҳаракат қилмоқдамиз. Бунда ҳар бир ишни адолатли ҳал этиш бош мезонимиздир.

Ҳаммамизга маълумки, коммунистик мафкура ҳукмронлик қилган даврларда диёримиз мусулмонларининг бу йўлдаги орзу ниятларига етарли даражада эътибор берилмади. Натижада, кўплаб уламоларимиз ва бир қанча имон-эътиқодли кишиларимиз етмиш йил мобайнида тилак орзулар қилиб, Ҳажга бора олмасдан, армон билан бу дунёдан ўтиб кетдилар. Не бахтки, мана буюк Истиқлол ва Юртбошимизнинг алоҳида ғамхўрлиги туфайли азалий орзу умидлар ушаладиган ҳур замонлар келди.

Маълумки, Ҳаж сафарига ихтиёр этувчилар билан ишлашда «Маҳалла» жамғармаси, унинг бўлим ва бўлинмалари, ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этишмоқда. Айнан шу сабабдан, ҳамда бу арконни ихтиёр этганларнинг кўпчилиги ушбу газета муштарийлари бўлганлиги сабабли бу сафар олдидан баъзи бир эътиборга молик ҳолатларни айнан ушбу газета орқали ўртоқлашишни фойдали деб ўйладик.

Биламизки, Ҳаж сафари Ислом динидаги беш арконнинг биридир. Шариатимиз таълимотига кўра, Ҳажнинг фарзлари учтадир:

1. Эҳром, яъни Ҳажни ният қилиб, «Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарика лака лаббайк. Иннал ҳамда ваннеъмата лака вал-мулк ла шарика лак» дуосини айтмоқ ва эҳром либосида юрмоқ.

2. Арафотда бир муддат туриб қайтмоқ.

3. Байтуллоҳни етти бор айланиб тавоф қилмоқ. Бунда еттидан тўрттаси фарз, учтаси вожибдир.

Ҳаж сафарини ихтиёр этган ҳар бир мусулмон, аввало оқил, болиғ, тани соғ, йўл харажатларига қодир бўлиши ва оиласи сафар мобайнида моддий таъминланган бўлиши шарт. Бундан ташқари, бўлғуси ҳожиларимиз намунали ахлоқ-одобга хулқ-атворга эга бўлмоғи зарур.

Ҳаж ва Умра бошланадиган макон Мийқот деб аталади. Ҳаж ва Умрани ният қилган киши ана шу маконда эҳромга киради. Эҳром икки бўлакдан иборат ёпинчиқ бўлиб, игна билан бирор жойи тикилмаган бўлиши лозим. Эҳромнинг бир бўлаги елкага ташланади, иккинчи бўлаги эса белдан пастки қисмга ўралади. Аёл кишилар икки кафт ва юзидан бўлак ҳамма жойи беркитилиб, ўзларига муносиб либос киядилар. Эҳромга кириштан олдин тирноқлар олинади. Соч соқол тартибга келтирилади, бадандаги ортиқча мўйлар тозаланади. Ғусл қилиб, икки ракаат намоз ўқиб, ҳаж қилишга ният қилинади. Эҳромга киргандан сўнг зиёратчилар гуноҳ ишларни қилишдан, жанжаллашишдан, бировнинг дилини оғритишдан, жинсий алоқадан, эркаклар бош кийими, ички кийим ва оёқларига пайпоқ ёки шунга ўхшаш тикилган нарса кийишдан, соч олишдан ёки бадандаги бирорта тукни юлиб ташлашдан ўзларини сақламоқликлари лозим.

Бўлажак ҳожиларга муқаддас заминда жойлашган, Байтуллоҳ атрофидаги муҳташам бинолардан ташкил топган, 12 гектар майдонни эгаллаган Ҳарами шариф: «Ҳажарул асвад»; Иброҳим алайҳиссаломнинг Байтуллоҳни қурган чоғларида турган ерлари - «Мақоми Иброҳим»; Биби Ҳожар онамиз Сафо ва Марва тоғлари оралиғида, сув ахтариб югурган вақтларида отилиб чиққан «Зам-зам» булоғи; Пайғамбаримиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам «Ҳажжатул вадода» мавъиза қилган жойлари - «Мино водийси»; барча ҳожилар арафа куни жам бўладиган - Одам алайҳиссалом билан онамиз Момо Ҳаво учрашган жой - «Арафот» тоғи; ер юзида инсон пайдо бўлган жой сифатида зиёрат қилинадиган маскан - «Муздалифа водийси»; Мадинаи мунавварадаги Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг равзаи мубораклари ва бошқа муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида тўла баён этиш мушкул, ҳатто бунга қалам ҳам ожиздир.

Ҳаж зиёратини ихтиёр этган юртдошларимиз орасида аёллар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳаж аёллар учун ҳам фарз. Ҳаж сафари давомида аёл киши учун танмаҳрам бўлиши ҳаж шартларига киради.

Энди ҳожиларимизга ҳукуматимиз томонидан берилаётган имтиёзлар ҳақида тўхтаб ўтсак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 декабрдаги Қарорида кўрсатиб ўтилганидек, диёримиздан муборак сафарга кетаётган ҳар бир фуқарога 1482 АҚШ долларини имтиёзли - воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб бериш таъминланади. Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган имтиёзлар ва енгилликлар бошқа ҳеч бир мамлакатда Ҳаж зиёратига борувчилар учун яратилмаган.

Ҳаж сафари давомида қарорда таъкидлаб ўтилганидек, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан зиёратчиларимизни кечаю кундуз назорат қилиб туришлари учун шифокорлар гуруҳи ажратилиб, керакли дори-дармон билан таъминланмоқдалар. Булардан ташқари, Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва Саудия Арабистонига киришчиқиш визаларини очиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳажжи мабрур - шубҳа, ёлғон ва жиноятлар аралаштирмай адо этилган Ҳажнинг мукофоти жаннатдир. Ҳаж йўлида босилган ҳар бир қадамда гуноҳлар маҳв этилиб, улар ўрнига ажрлар ёзилгай, иншоаллоҳ.

«Қорбурон» ўйнашга қалайсан!»

Маҳалладан мактуб

МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПМОҚДА

Сурхондарё вилояти «Маҳалла» жамғармаси мутасаддилари ва маҳалла фаоллари билан мухбиримиз суҳбатлашди.

*** Муҳаббат йигитни йўлга солди.**
*** «Қизлар гурунги»дан чиққан йигитлар жанжали.**
*** Фата эмас, миллий либос.**

ИЗЛАГАН ҚОРДАН ҚАЛОВ ТОПАДИ

Тожибой ЗИЁҚУЛОВ, Ангор туманидаги «Наврўз» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

- Маҳаллада иш кўп. Баъзан ечими мушкул муаммоларга ҳам дуч келиб қоласан, киши. Бир воқеани айтиб берайин. Маҳалламизда Шуҳрат Хушбоқов деган йигит бор. Ўғирлик қилгани учун бир неча марта қамалиб ҳам чиқди. Онаси ўқитмоқчи эди, раҳматли. Оилада отасиз воягa етган Гулнора Бозорова деган қиз ҳам маҳалламиздан. Тақдирни қарангки, бир неча марта судланган Шуҳратни Гулнора яхши кўриб қолибди. Инчунун, Шуҳрат ҳам Гулнорани яхши кўраркан. Эл ичида ёмон ном чиқарган йигитни қизнинг севиб қолишини биринчи бор кўришимиз эди. Шу боисдан қизнинг онаси: «Ўғрига қиз бермайман» дея оёқ тираб туриб олди. Аммо Шуҳрат билан гаплашганимизда у: «Уйлансам, Гулнорага уйланаман. Агар шу қизга уйлансам, ҳаётимни қайтадан бошлайман»- деди. Қиз ҳам: «Агар шунга турмушга чиқсам, уни ўзим тарбиялаб оламан», деди. Қизнинг онаси билан узоқ ва машаққатли музокара олиб боришга тўғри келди. Охири кўндирдим. Тўйнинг харажатларини Шуҳратнинг синглиси - рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилбар ўз бўйнига олди. Тўй бўлди. Шуҳратни пахта тозалаш заводига ишга жойлаштирдим. Бир адашган инсонни тўғри йўлга солдик, деган катта умид билан юрибмиз.

Бундан ташқари қўлида бинойидек касб-ҳунари бор бўлган етти кишини иш билан таъминлашга эришдик. Маҳалламиз базасида оптика дўкони очдик. Бу дўкондан ҳисоб рақамимизга пул тушиб турибди. Хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Маҳалламизда Қизлархон Бўтаева деганнишбилармон аёл бор. Ана шу аёл бичиш-тикиш фирмасини ташкил қилиб, ишга тушириш арафасида турибди.

Пахта тозалаш заводи ҳовлисида спорт мажмуаси барпо этиш ниятидамиз. Ҳозир уни жиҳозлашга киришдик. Ҳадемай бу мажмуа маҳалламиз ёшлари учун севимли машғулот жойига айланади.

ЖОН ЯХШИМИ, БАЗМ?..

Йўлдош ЭРГАШЕВ, Жарқўрғон туманидаги Исмоилтепа маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли:

- Кўпинча туманда у ёки бу камчилик, нуқсон учун йиғилишларда танқидни маҳалладан бошлаб охири маҳалладан тугатишади. Менимча бу нарса зиммадаги юкни тенг кўтариш эмас, балки масъулиятни, елкадаги юкни бошқаларнинг елкасига қўйишдир. Маҳалла тақдирига ҳамма баравар жон қойитиши керак, деб ўйлайман.Мен бу гаплар билан айтмоқчиманки, маҳалла оқсоқолининг обрў-мавқеига путур етмаслиги керак.

Яна бир нозик муаммо чиқиб қолаётир: турмушга чиқаётган қизларнинг тўй арафасида ўтириш қилиши, (яъни «қизлар гурунги») ҳатоки унча-мунча тўйлардан ҳам каттароқ, серхаражатроқ чиқиб қолди. Бунда денг қизлар дастурхонга ароқ, винодан мўл-кўл қилиб тортишади. Турган гапки, ўртага қўйилган ароқ, вино ичилади ҳам. Энди сиз ичиб масталаст бўлган, гап-сўзининг, ҳаракатининг қаёққа қараб бораётганини батамом унутган навқирон қизларни кўз олдингизга келтириб кўрингчи! Яқинда туманимиздаги ана шундай «қизлар гурунги» чоғида жанжал чиқиб кетди. Жанжал жиноят содир этилишигача, аниқроқ айтганда инсон умрига тажовуз қилишгача бориб етди. Шунинг оқибатида бир ёш йигит бевақт вафот этди. Мен ўйлайманки, ароқхўрликка, кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўладиган бундай базмнинг баҳридан ўтиш керак.

БАҒРИМИЗ КЕНГ БЎЛСА...

Турди ҚУРБОНОВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Жарқўрғон тумани бўлинмаси масъул котиби:

- Хабарингиз борки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш ҳам маҳаллалар зиммасига катта вазифаларни юклади. Туманимизда қамоқдан озод бўлиб келганлар туман ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўниктириш марказидан тегишли моддий ёрдамни олиб бўлишди. Собиқ маҳбуслардан икки кишини касалхонага ётқиздик. Қолганларини эса ишга жойлаштирдик. Ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда қамоқдан қайтиб келганларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлар ўтказяпмиз, уларнинг муаммоларини ечишда яқиндан кўмак бераяпмиз.

ФАТА УДУМДАН ҚОЛАЁТИР

Абдумўмин КАРИМОВ, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Сариосиё тумани масъул котиби:

- Мен маҳаллаларимизда ўтказилаётган тўйлар ҳақида гапирмоқчи эдим. Назаримда баъзилар тўй ўтказишда азалий меъёр, қадриятлардан бироз адашдилар. Масалан, келин тўйларида битта қўйлак ва фатанинг ўзи қанчалик ташвиш туғдирмоқда. Яна қўшимча ҳар хил одатлар-чи? Ҳозир бизда бўлаётган келин тўйларида фата удумдан қолаётир. Келинлар миллий либосларда узатилмоқдалар. Туманимиз чегара ҳудудида жойлашган. Бу эса одамларимиздан катта масъулият талаб қилади. 8 та маҳалла Тожикистон Республикаси билан чегаралош. Ана шу маҳаллаларда Ватан мавзусида, ҳушёрлик ҳақида давра суҳбатлари ўтказдик. Одамларимиз онгида ижобий силжишлар бўлаётгани хайрлидир. Ишсизларни иш билан таъминлашга доир ишларни амалга ошираяпмиз. Ҳар ойда бир марта меҳнат бозори ўтказилмоқда.

Махмуд АБУЛФАЙЗ ёзиб олди.

Атрофимиздаги гаплар

ТИЖОРАТ КЕРАК, САЛОМАТЛИК ҲАМ...

Пойтахтимиздаги «Фарҳод» бозорига кира туриб шу ердаги пешонасида номи битилмаган сомсахона олдида бўлаётган гап-сўзлар мени чалғитди.

Харидорларнинг бири ҳисобдан адашди шекилли, сомсафуруш йигит унга ярим ҳайрон, ярим ўқрайиб: «Тоға, катта қилиб ёзиб қўйилганку 60 сўм деб. Гўшт қиммат, қолаверса ўраб бериш учун қоғоз ҳам қиммат. Яна қирқ сўм чўзинг» дели.

Қирқ сўм чўзишди. Сомсаларнинг кир, униққан, саргайиб кетган ташландиқ қоғозга «сариштагина» ўраб берилганини кўриб, харидорнинг ҳам фигони чиқди: «Ҳой укам, сенда инсоф борми ўзи? Таомни ҳам шунақа қоғозга ўрайсанми?» Сомсачи йигитнинг ҳам жавоби тайёр экан: «Тоға, ўзи тоза қоғоз қанча туришини биласизми?»

Сомсафурушнинг сомсаларини ўраб бериш учун уюб қўйган қоғозидан қўлимга илинганини олиб кўрдим. 1988 йилда тўлдирилиб, аллақачоноқ архивга топширилган тиббиёт кўрик карталари экан.

Қоғозларда кўплаб муҳрлар, имзолар, ёзувлар бор. Инсон организми учун бу ранглар қанчалик зарарлилигини қўятурайлик, ифлослигининг ўзи ҳар қандай оч қолган кишининг ҳам иштаҳасини бўғадиган даражада эди. Қолаверса, тўлдириш учун қанчадан-қанча қўллардан ўтган, сал кам 15 йил идорада, архивда сақланган, турли ҳашоратлар, каламушу сичқон қўним топган ертўлаларда сақланган бу қоғозлардаги сомсани индамай олиб кетаётган хўрандалар қанчадан-қанча!

А.Икромов туманидаги 11 кварталда жойлашган касб ҳунар коллежи талабалари катта танаффусга чиқишлари биланоқ бурчакда ўтирган «хонимпаз» опанинг ёнига шошилишади. Тоғара тўла хоним талаш. Опа эса узатилган пулларни санаш, ўша дасти панжала хонимни юқоридагидек қоғозларга ўраб бериш билан оввора.

Тўғри, тирикчилик. Тўғри, бозор иқтисодиёти, шароитида яшаяпмиз. Лекин тирикчиликнинг озодагарчилик, дид-фаросатимиз, қолаверса тани сиҳатлигимизни бой бериш эвазига бўлиши нотўғри эканлиги аниқ!

Турғун ҳожи ТОШПЎЛАТОВ.

Маҳалла ташаббуси

«МЕРОС» меросимизни ўрганади

Биз бобокалонларимиз номини тилга олиб фахрланишни ёқтирамиз. Лекин, ўйлаб кўрайликчи, улардан қолган бебаҳо меросни қадрлай олаяпмизми, лоақал фарзандларимизни улар қолдириб кетган бу ганжина билан таништира олаяпмизми?

Замонлар, тузумлар ўзгарар экану, лекин яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, инсониятни эзгулик водийсига элтувчи йўл ўзгармай қолаверар экан.

Ана шу ўй-фикрлар биз - Янгиобод маҳалласи фаолларини Ҳалқаро «Олтин мерос» жамғармаси ва республика «Ўзбек тили маркази» қошида «Мерос» миллий-этнографик театрини ташкил этиш зарур деган хулосага олиб келди. Маҳалламизда фаолият кўрсатаётган «Истеъдод» маркази қатнашчилари бугунги кунда ўз касбининг моҳир усталари бўлиб етишдилар.

Бугунги кунда «Мерос» театри иштирокчилари халқимизнинг миллий урф-одатларини саҳнавий чиқиш орқали кўрсатиш, мумтоз куй-қўшиқларимиз - мақомлар, аллалар, ёр-ёрларни ижро этиш билан бирга ҳақиқий мушоира ва аския жанрларини чуқурроқ ўрганиш, унут бўлаёзган миллий кийим-кечакларимиз ҳамда тақинчоқларимизни тиклашдан иборат эзгу ишларни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Куни кеча азиз болажонларимиз учун намойиш этилган «Насриддин афанди ва Шайхонхоланинг саргузаштлари» деб номланган янги мусиқали спектаклимиз томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Болажонларнинг қалби ёлғончилик ва фирибгарликни инкор этди. Айниқса, томошабинлар билан актёрларнинг ўзаро мулоқоти асосига қўйилган спектакль болаларда эзгуликнинг ғалабасига бўлган ишончни оширди.

Фарзандлари билан ёнма-ён томошани кузатган ота-оналар ҳам Қор париси (Ф.Қурбонова), Насриддин Афанди (К.Саъдуллаев), Шайхонхола (М.Тўраева) образларини олқишлаб турдилар. Айниқса, Шайтонвачча ролини маромига етказиб ижро этган Успенский номли мусиқа мактабининг 3-синф ўқувчиси Фарида Тўраеванинг ёркин истеъдоди томошабинларнигина эмас, бош режиссёримиз Қаҳрамон Саъдуллаевни ҳам ҳайратда қолдирди.

Биз халқимиз урф-одатларини илмий асосда чуқур ўрганиб, рисолалар чоп этиш зарур деган хулосага келдик. Зеро- анъаналаримиз ва урф-одатларимизни авлоддан-авлодга асраб-авайлаб етказишимиз, гўзал ва сермазмун удумларимизни бошқа бирор маданият билан алмаштирмасдан мукаммал ҳолда намойиш этишимиз кўзда тутилган. Чунки бу маданият боболаримиз ва момоларимиздан қолган муқаддас меросдир.

Лекин шу ишларни тўла қонли амалга ошириш учун ўзига хос айрим муаммолар тўсиқ бўлиб турибди. Театр фаолияти учун бино қурилиши, кийимкечаклар ва тақинчоқлар хариди учун маблағ масаласи муаммо бўлиб турибди. Маҳалламиз ҳудудида ҳозирги кунда чиқиндихона бўлиб ётган 0,24 гектар бўш майдонни шу мақсад учун расмийлаштириш масаласини кўтарганимизга бир йилдан ошди. Ҳамон мутасадди ташкилотлар жавоб беришни хаёлларига келтирмояптилар.

«Мерос» театри фарзандларимиз қалбига эзгулик уруғини сочиш, энг нодир бебаҳо урф-одатларимиз ва санъатимиз дурдоналарини яхлитлигича келажак авлодга безавол етказишдек савобли ишларга бел боғлади.

И.ТУРСУНОВА,
С.ЗУПАРОВА,
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Янгиобод маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари

«КАБИНЕТДА ЎТИРИШ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ, УКА»

Нуробод туманидаги Араб ота номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эшмуҳаммад Раҳимов шундай деб ҳисоблайди.

Идорада бизни маҳалла котиби қарши олди. Раис йўқ экан. Котиб ўтган йили маҳаллада амалга оширилган ишлар билан таништирди. Ўтган йили энг кўзга кўринарли шу бўлибдики, маҳаллада кенг миқёсда кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Буни бугун кўз билан кўриб, ишонч ҳам ҳосил қилдик.

Маълум фурсатдан сўнг маҳалла оқсоқоли ҳам келиб қолди. Мақсадимизни англагач:

- Кабинетда ўтириш билан иш битмайди, - дея гап бошлади раис. - Ташвишларимиз етарли. Эл, юрт ташвишида елибюгуришнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Шу даврагача нимагаки эришган бўлсак, шунинг эвазига қўлга киритдик. Мақтаниш эмас-у, ўтган йили анчамунча хайрли ишларга қўл урдик. Маҳалла ҳудудидаги мактабнинг 110 нафар 1-синф ўқувчисига «Аср совғаси» тайёрланиб топширилди.

Раисни шу кунларда идорада ўтирмай чопиб юришининг яна бир сабаби бор экан. Маҳалла ёнида оҳак ҳамда алибастер тайёрлаш цехини очиш кўзда тутилган. Бунга туман меҳнат биржаси томонидан янги ишчи ўринларни очиш мақсадида 5 миллион сўм кредит ажратилмоқда. Бундан ташқари маҳалла ҳудудидаги «8 март» тикувчилик фабрикасининг филиалини ҳам ишга тушириш учун 3 миллион сўм кредит ажратилган. Ушбу корхоналар тўлиқ иш бошлагандан сўнг 60-70 та янги иш ўринлари яратилади. Бу эса маҳалладаги шунча кишини иш билан таъминлаш, маҳалла аҳли фаравонлигига қўшиладиган муҳим улуш бўлади.

Азамат САФАРОВ.

Ипакчилик ва буюк ипак йўли тарихидан

КАРВОН ИЗЛАРИДА ЧАҚНАГАН ЎТМИШ

*** Малика Си пиёласида ёйилган ипак**
*** Савдогар фақат савдогар эмас эди.**

Маълумки, қадим Хитойда Тан сулоласи даврида Марказий Осиё орқали Венецияга борган савдо карвон йўли кейинчалик Осиё ва Оврупо қитъалари ўртасида олтин кўприкка айланди. Бу карвон йўлларида энг қимматбаҳо ипак матолари билан савдо қилингани учун у Ипак йўли номи билан тарих солномаларига кирди. Ипак йўли атамасини олмон олими Фердинанд Рихтгофен 1877 йилда «Хитой» асари орқали фанга олиб кирган эди.

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ипак ва ипакдан тўқилган матоларнинг илк ватани Хитой бўлган. Хитойда ипак ва ипакдан мато тўқиш сир-асрорлари ниҳоятда махфий тутилган. Афсонага кўра, кўплаб мамлакатлар бу сирдан воқиф бўлишга уринганлар ва кўп вақтлар бу уриниш натижасиз қолаверган.

Хитойда ипакчилик милоддан аввалги III минг йилликда пайдо бўлган. Хитой императори Чин Ченг ипак ва ипак қурти, тут плантацияларини кенгайтириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилган. Бошқа бир ривоятда милоддан аввалги 2698 йили, яна бир бошқа ривоятда 2600 йилда Хитой маликаси Си Линг Чи боғда тут дарахтлари соясида чой ичиб ўтирган чоғида унинг пиёласига юқоридан пилла тушиб, иссиқ чойда юмшаб, унинг толалари ёйилиб кетади. Малика Си пилла ипларини пиёладан олиб ташлашга қанча интилмасин, унинг узуданузун толалари чувалаб кетиб, чойни ипак ипдан тозалай олмаган. Ривоятда айтилишича, пилла толасини олиш усули ана шу воқеадан сўнг маълум бўлди. Си - бу осмон худосининг назари тушган малика, деб уни илоҳийлаштирганлар ва унга атаб ибодатхоналар қурилган. Ҳозиргача малика Сига атаб ҳар йили ипак байрами ўтказилади.

Муаррихлар ал-Мақсидий, ал-Маъсудий, Абдураззоқ Самарқандий ўз битикларида Ипак йўли орқали Бағдоддан Ҳамадон, Нишопур, Марв, Бухоро, Самарқанд, Шош, Исфижоб, Тароз, Марки, Сиёб, Иссиқкўлнинг жанубий қирғоғи ва Шарқий Туркистон орқали Хитойга борилгани ҳақида баён этадилар. Ал-Мақсидий маълумотларига кўра **Кулранг олмахон, оқ сичқон, чўл тулкиси, сувсар, тулки, қундуз терилари, мум, укки, оқ қайин пўстлоғи, балиқ елими, балиқ тишлари, анбар, асал, ўрмон ёнғоғи, лочинлар, қиличлар, совутлар, қайин дарахти ёғочлари, қўйлар, сигирлар - буларнинг ҳаммаси Булгордан, Волга бўйидан келтирилган бўлиб, Хоразм орқали халифалик мамлакатларига чиқарилган. Хоразмдан узум, майиз, кунжут йўллик кийимлар, гиламлар кўрпа, чиройли газламалар, парчалар, кимхоб, фақат кучли кишиларгина торта оладиган ёйлар, махсус пишлоқ, қатиқ, балиқ чиқарилади.**

Араб тарихчиси ибн Хавкал ҳам Ўрта Осиё шаҳарларидан юқоридаги каби маҳсулотлар Волгабўйи мамлакатларига олиб борилганлигини қайд этади. Ал-Маъсудий эса ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг халқаро савдога қатнашувини шундай таърифлайди: **«Фарғонадан ва Исфишобдан темир, мис, қилич, қуроллар, оқ матолар чиқариб сотилади».**

Савдогарлар халқ орасида энг нуфузли, обрўли, инсон ҳисобланган. Улар фақат мол сотувчи ва ундан фойда олувчи жамиятнинг бой қатлами ҳисобланмай, балки узоқ сафарларга катта савдо карвони билан кетувчи савдогар - дипломатлар, зиё тарқатувчилар у ёки бу ҳududдан янги жойларга илғор хўжалик ихтироларини олиб борувчи нуфузли кишилар ҳисобланарди. Улар бир вақтнинг ўзида ўзга мамлакатлар урф-одати, кучи ва қудрати, ҳududий жойлашиши, табиати ва давлатни бошқариш тизимини чуқур билиш вазифасини ҳам ўтар эдилар. Давлат бошлиқлари уларнинг кузатиш маҳорати ва берган маълумотлари асосида ўз ташқи сиёсатларини режалаштирар эдилар. Бундай улкан ва зарурий ишлар ана шу савдо карвон йўллари туфайли амалга оширилади.

Гулсара ҚАЮМОВА.
Бухоро шаҳри.

ОЛАМ ТУРФА

ЎҚИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

68 ёшли тундралик нафақахўр Е.П.Баскасова Москва Давлат Университетининг талабаси сифатида қишки сессия имтихонларини топширмоқда.

Елена Прокорьевна Ёқутстоннинг Бестло деган қишлоғида истиқомат қилади. У дастлаб бир неча йил бу ердаги комсомол ташкилотларида сўнгра болалар боғчасига мудирлик қилди. Нафақага чиққач эса фахрийлар кенгашини бошқарди. Елена Прокофьевнанинг яқинда институтга кирганлигини эшитган ҳамқишлоқлари ҳайратга тушишди. У ҳозир М.Д.У. психология факультетининг талабаси. Елена Прокорьевнанинг штати билимини оширишда болалари ва невараларидан ортда қолмаслик.

РАНГДОР УЗУН ҚУЛОҚЛАР

Шотландияда қизил, оч-яшил рангли қуёнлар пайдо бўла бошлади.

Генетика билан шуғулланувчи олимлар бу ўзгариш қандай рўй берганлигини ҳали аниқлашганлигича йўқ. Уларнинг тахминича, бу турдаги жониворлар ёввойи ва экзотик қуёнларнинг қўшилишлари натижасида пайдо бўлган. Яна бир тахмин шундан иборатки, қуёнлар терисининг ранглари бундай тус олишига уларни тез ривожланиши учун ва терисининг пишиқ бўлиши учун озиқларига қўшиб берилган, баъзи дориларнинг таъсири ҳам бўлиши мумкин. Бу тўғрида ҳанузгача аниқ хулосага келинмаган деб ёзади Шотландияда чиқадиган «Скотсмен» газетаси.

ЎҒРИЛАР ТУМШУҒИДАН ИЛИНДИЛАР

Вологда губернасининг Михайловск тумани қишлоқ хўжалик кооперативларидан бирининг бошлиғи электр энергиядан ҳар ойда фойдаланганлиги учун 300 киловатга ҳақ тўлаб турган.

Икки қаватли котедж учун бу миқдорлаги пул кўплик қилмасмикан, деган шубҳа билан маҳаллий электр назоратчилари келиб бу ердаги ҳисоблатгични пломбалаб кетишди. Бу тадбир ўз натижасини кўрсатди, бир ой ичида хонадоннинг электр энергияси 20 мартага кўпайганди. Маълум бўлишича хонадон сохиби кооператив ёритишдан ташқари уйини, молхона ва гаражларни иситиш учун ҳам фойдаланиб келган. Бу кооператив бошлиғининг қиғир иши. Электр энергиядан фойдаланишда юқоридаги кооператив ёлғиз эмас экан. Назоратчилар аниқлашига ҳар иккита корхонанинг биттаси қиғир йўлни қўллашаётганлиги аниқланди. Улардан катта миқдорда жарима ундириладиган бўлишди.

ОВЧИЛАР ДОҒДА ҚОЛИШДИ

Веткага келган олмониялик икки меҳмон бу ерда айиқ овлайман деб икки ҳафта бекорга овора бўлишди.

Маълум бўлишича, бу меҳмон овчилар қордаги айиқ изларини кўриб қолиб, уларни изларига тушадилар. Уларни бу ишларга натижа бермагач, бошқача усулни қўлашмоқчи бўлишди. Улар маҳаллий овчилардан бир челак асал сотиб олиб айиқларни кўзи тушадиган жойга қўйишиб, ўзлари бутоқлар орасига яшириниб майиқ оёқларни кун бўйи кутишди. Тун ярмида совқатган меҳмонлар ўрмондаги овчининг уйига кириб жон сақлашди. Эрта билан ташқарига чиқиб қарашса челакдаги асал ярмланган эди. Аламда қолган овчилар уларни бу усули ҳам фойда бермаганлиги туфайли ўзгача чора қўллашди, яъни челакдаги асалнинг устига тўлдириб ароқ қўйишди. Овчиларнинг фикрича, бундай меҳмондорчилик натижаси ororoq айиқлар шу ернинг ўзида думалаб қолишлари лозим эди. Аммо ундай бўлмади. Жониворлар челакдаги «оби зам-зам»дан оғзина таъпиб кўришгач, бу батхор нарса уларга ёқмаган шекилли, совуқдан қўрқиб овчининг уйчасида тонг оттирган меҳмон овчиларни яна доғда қолдириб орқаларига қайтиб кетишган.

Ф.ФОЙИПОВ тайёрлади

Оқсоқол ўз маҳалласи ҳақида

ҚИШЛОҒИМИЗ ШАҲАРГА ЎХШАЙДИ

- дейди Избоскан тумани Чувама қишлоғидаги Узун кўча маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Тошлонбой ота САТИМОВ.

- Маҳалламизда 3573 нафар аҳоли истиқомат қилади, 872 та оила бор, - дейди оқсоқол ота. - Бир ярим минг бола ўқийдиган ўрта мактаб, иккита болалар боғчаси мавжуд. Маҳалламиз ҳудудида Чувама ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, момиқ фабрикаси, иккита фермер хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш уйи, мотор таъмирлаш устахонаси, иккита шифохона, учта дорихона фаолият кўрсатмоқда. Булардан ташқари яна элликка яқин ҳунарманд, маҳаллий тадбиркорлар ҳаракатда.

Фаолларимиз ташаббуси ва саховатпеша ҳамқишлоқларимиз ва меҳнат жамоалари ҳиммати билан кейинги икки йил ичида замонавий, шу кун талабларига тўла жавоб бера оладиган гузар қурдик. Эндиликда гузаримизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш имконини берадиган деҳқон бозори, ҳафтанинг аниқ белгиланган кунлари ишлайдиган чорва ҳайвонлари бозори, йигирмага яқин савдо дўконлари, чойхона, ошхоналар, маҳаллий ҳунармандларнинг устахоналари ишлаб турибди. Маиший хизмат кўрсатиш уйи эса шаҳарлардагидан қолишмайди. Унда қўли гул усталар телерадио аппаратуралари, мураккаб электр асбоб-ускуналарини таъмирлаб бермоқдалар.

Эртанги кунимиз ёшлар қўлида бўлишини назарда тутиб, уларнинг соғлом ва бақувват ўсишлари учун ҳомийлар ёрдамида футбол майдони қуриб ишга туширдик. Асосан ҳашар йўли билан барпо этилган бу соғломлаштириш масканига спорт ишқибозлари учун минг ўринли зинапоя шаклидаги ўтириш жойлари, шуғулланиш майдончалари ҳам қурилди. Маҳалламиз ёш футболчилари жамоаси «Узун кўча» деб аталади. Туманимизда биринчи, вилоятдаги мусобақаларда эса иккинчи ўринни эгаллашди. Уларни спорт жиҳозлари билан таъминлашда маҳалламизда жойлашган Нишонбой Жўраев номли ширкат хўжалигининг ёрдами катта бўлди.

Маҳалламиз фаоллари ҳудудимизда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат ногиронларига, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам беришни ҳам яхши йўлга қўйганлар. Ўқув йили бошланиши арафасида маҳалламиздаги ана шундай кўп болали оилалардан ўн иккитасининг болаларига дарсликлар, ўқув қуроллари олиб бердик. Моддий ёрдамга муҳтож ногиронлардан ўн учтасига доимий равишда озиқ-овқат ҳамда кундалик эҳтиёж моллари берилянти.

Кейинги икки йил мобайнида қишлоқ ёшларидан 65 нафарини доимий иш билан таъминладик. Энди ишсизлар деярли йўқ. Маҳалламизда маданият ва истироҳат боғи барпо этиш мақсадимиз бор.

Маҳалламиз фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ибратли ишлар республика «Маҳалла» жамғармаси, вилоятимиз ва қўшни вилоят, шаҳар ва туманларидан келган кўплаб меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Тажрибаларимиз оммалаштиришга тавсия этилди.

К.НИЗОМОВ ёзиб олди.

Орамиздаги одамлар

ОҒРИҚ

ёхуд қалдирғочнинг кўз ёшлари, баъзи оналарнинг қалб тошлари ҳақида

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Биридан қувонсангиз, иккинчисидан нафратланасиз.

...Айвоннинг бир кунжагида қалдирғоч заб безаб уя қурганди. Ҳар йили баҳорда «биз яна келдик, қадрдонлар» дегандек чуғурлашиб, қувнашиб атрофимизда айланишарди.

Кунларнинг бирида бироз эҳтиётсизлиги боис қалдирғоч полапонларидан бири ерга қулади. Бир томондан қалдирғочлар «чув-чуви», иккинчи томондан невараларимнинг шовқинига тўлиб кетди ҳовли. Дарҳол нарвон келтирилиб қалдирғочнинг нимжон боласини уясига олиб қўйишди. Эртасига яна ўша полапон тушиб кетди. Уни зудлик билан жойига олиб қўйишди. Индинисига жониворлар ҳар кундагидан кучли ва аламли чуғурлашди. Бир кори ҳол бўлди шекилли, дея нарвон қўйиб уяга қарасам, ўша бемор полапоннинг жонсиз ётибди. Қаранг, шу жонзотларга ҳам зурриёд қанчалик ширин, уни йўқотиш нақадар оғир дард. Янаги баҳорда қайтиб келишмади, қалдирғочлар.

Бу янги гап эмас.Лекин... Табиат жонзотлари ичра ақл-фаросати, меҳр-оқибати билан ажралиб турган дунёда ягона мўъжиза ҳисобланмиш баъзи одамлар айрим ҳолларда ўз зурриёдларига ҳатто шу жониворчалик меҳр кўрсата олмайди. Баъзи-баъзида учрайдиган ана шундай қилмишлар, қулфатлар ёндириб кул қилади, одамни.

... Фароғатхон фарзандсизликдан роса қийналди, фиғон чекди, бормаган дўхтири, кўрсатмаган табиби, фол очирмаган фолбини қолмади. Эри Эргашвой сабр қилдигина эмас, хотинига далда берди, унинг кўнглини кўтарди, ҳар лаҳзада.

Илми-амаллар фойда бердими, Яратган қулига раҳми келдими, ўн йил деганда Фароғатхон фарзандлик бўлди. Орзигул деб ном қўйди тилаб олган қизгинасига. Буни қарангки, иккинчи йили ўғли Бахтиёржон туғилди.

Бахт билан кулфатнинг ораси бир энлик деганлари рост эканми, Эргашвой дардман бўлиб қолди. Анча вақт ётди уйида. Яна хотинини ўйлаб «икки ёш гўдак билан, мадорсиз эрга эзилиб кетди шўрлик» деб касалхонага жўнади.

Кунлар ўтган сайин Эргашвой хотинидаги норозилик аломатларини сеза бошлади. Эрининг «болаларингга қара, энди мендан умид йўқ» деб зорланишига қарамай келишни сира канда қилмайдиган хотин олдин кунаро, кейин-кейин уч-тўрт кунда хабар оладиган, келганда ҳам касалнинг кўнглини кўтариш ўрнига жаврааб, жеркийдиган одат чиқарди. Тўшакка занжирланиб қолган Эргашвой шу аҳволда ҳам ўзини эмас, тилаб олган болаларини ўйларди. Наҳот уларга оталик меҳрини бера олмаса, падарлик қарзи елкасида қолиб кетса.

Хотинини не жин чалдики, уйда ҳам тоқатсиз, болаларига меҳрсиз бўлиб қолди. Кимсасиз уйда норасида гўдакларнинг устидан қулфлаб соатлаб аллақаёқларга гумдон бўлиш одатини чиқарди. Илгари бу хотиннинг бардошига ҳавас қиладиган қўни-қўшнилар кейинчалик унга насиҳат қилганларида «вой нима деяпсизлар, ақлимни ебманми» деб уларни ишонтирди.

Умри қисқа экан, касаллик туфайли Эргашвой оламдан кўз юмди. Болаларга бу кўргилик оз экан. Фароғатхон етти кунни санаб ўтказдию, қизи билан ўғлини Меҳрибонлик уйига топшириб, эшикни тамғалаб... қаёқларгадир гумдон бўлди.

Ҳа, Фароғатхоннинг юрагига қурт тушди, уни ғулғула эгаллади. Чироқ ёғдусида ҳалок бўлаётган парвоналар ўзининг ўлими мазмунини билолмайди. У ҳам парвона янглиғ ўзини оловга урди, юрадиган йўли, борадиган манзилини унутди. Ўзида болаларига нисбатан қалдирғоч қалбидагидек меҳр, кўзларида зарра ёш топа олмади.

Фароғатхонни кетидан эргаштириб кетган ўша нотавон йигитларга ҳам ачинасан киши. Ўз бутунлигини сақлай олмаган бошқага енг бўлолмаслигини наҳот англамасалар ўша нодонлар.

Муддаомиз моҳиятига оид яна бир воқеий лавҳа.

... Кун қорайиб шом намози яқинлашаётганда дарвоза тақиллаб қолди. Райҳон хола чиқса қўлида йўргакланган гўдаги билан ёшгина, кўҳликкина жувон турибди.

- Бир кечага жой бersангиз, борадиган жойим жуда олисда, бунинг устига кун ҳам кеч бўлиб қолди?

- Кирақолинг, қизим, буғдой нонимиз бўлмаса ҳам, буғдой сўзимиз бор.

Меҳмон талаба эканлигини, бўйида бўлганидан кейин ўқишни сиртқига ўтказганлиги, куёв бола ҳам ҳали талаба эканлигини айтиб холанинг кўнглидан жой олишга ҳаракат қилди. «Ҳа турса тура қолсин, ёлғизлик ҳам жуда жонга тегди, қайтанга гангир-гунгур» деб ўйлади хола ва у боласи билан шу уйда қолди.

- Холажон, кўриб турибсиз уст-бошим юпун. Мен бориб ҳеч бўлмаса бир бош кийим-кечагимни, Лолачага зарур бўлган латта-лутталарни олиб келмасам бўлмас, - деб қолди уч кундан кейин жувон.

- Болам, борасолиб изингга қайтмасанг, чақалоқ боқишдан анча чиқиб кетганман.

Райҳон холанинг кўрган-кечирганлари камлик қилган эканми, меҳмон шу кетганича дом-дараксиз йўқолди. Бирида шу атрофда яқиндагина бўшалган оналарга чопиб «Эмизиб берінглар, барака топгурлар» деб ялиниб-ёлворса, баъзан эчкининг сути билан гўдакни боқди.

Ўша усти юпун жувон роса уч йил деганда башанг кийинган, бўяниб, тиллаю гавҳарлар тақиб олган бир алпозда пайдо бўлди. «Ҳозир боласини бағримдан тортиб олади, мени ундан жудо қилади» деб ўйланиб, донг қотиб қолди хола. Йўқ, қилмишидан сира ҳам уялмади, Райҳон холадан узр сўрамади, қизчасини ҳидлаб бағрига босмади. Аксинча, унинг бир оёғининг калталигини кўриб, лабларини буриб, бурнини жийирди.

- Отасининг авлодига кетибди. Нокаснинг боласидан яхшилик кўрмайсиз. Нима қиласиз бу маймоқни боқиб, етимхонага топшириб юборинг, ўзлари эгалик қилади.

У лаби-лабига тегмай қизчанинг отаси бевафолик қилганини, хотин устига бўлса ҳам баобрў, топармон-тутармон кишига тегиб олгани, тараллани ванг қилиб юргани, ўқишни ҳам йиғиштиргани ҳақида роса бидиллади.

- Бошқа фарзанд ҳам кўрдингми, қизим?

У индамади, демак хоҳламаган.

Ўзини биринчи келишда Ҳалимахон деб таништирган жувон қандай алфозда келган бўлса, шундай чиқиб кетди.

Райҳон хола ерда ўтириб қолди, Лоласини бағрига босиб қон-қон йиғлади. Дунёга не мақсад учун келганлигини тушунмаган, тушунмайдиган Ҳалимахондек хотинларга ачинди. Ёшлик ҳеч кимга ҳам бир умрга берилмаган, дарёлар оқиб ўтар, ўшанда хотиннинг куни не кечишини, қай аҳволга тушишини хаёлан ҳис этди. Азизларимиз билиб айтганлар «Ал ҳаёю минал иймон» (ҳаёсизда иймон бўлмайди). Бу жувон ёвузлик уруғини ўз қўли билан сепдики, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам унинг жавобидан қочиб қутила олмайди.

Ҳар бир инсон ўзига келадиган савобу уволлар ҳақида сув оқиб ўтмасдан аввалроқ, навқирон, кучли, тетиклигида ўйлаб кўриши жоиздир. Тангрига ёқмайдиган амаллар эса ҳеч вақт изсиз, жавобсиз қолмайди.

Райҳон холанинг бир тилсиз, кимсасиз гўдакка қилган меҳрибонликлари савобга дахлдор.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

ЎзА хабарлари

Янги музей

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Андижон вилояти бирлашган техника мактабида Ватан тарихи музейи очилди. Юқори савияда безатилган экспозиция тарихимизнинг кенг қўламли даврини қамраб олган. Ҳар бир даврга алоҳида бўлимлар бағишланган. Хусусан, «Ўзбекистон XII-XII асрларда», «Амир Темур даври (XIY-XY асрлар)», «Мустамлакачилик даври (XIX аср охири - XX аср боши)», «Совет даври» каби бўлимлар бор.

Экспозициянинг «Ислом Каримов - мустақил Ўзбекистон раҳбари» бўлими энг янги тарихий даврга бағишланган. Бу ердаги экспонатлар андижонликлар, яъни иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари билан бир қаторда Ватанимизнинг халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда ўз жонини фидо қилган шавкатли ўғлонлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Шунингдек, музейда мудофаа ташкилоти ва бирлашган техника мактаби солномасини акс эттирувчи экспозиция ҳам бор.

Фойдали мулоқот

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мулоқот ўтказди. Унда бошқарма фаолияти хусусида ахборот берилди. Жумладан, солиқ интизомини мустаҳкамлашда тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш, солиққа оид жиноятларга, қонун бузишига йўл қўймаслик, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириш борасидаги ишлар хусусида фикр алмашилди.

Хусусан, ўтган йили бошқарма ходимлари ўтказган текширувлар натижасида 41 миллион сўмлик давлатга етказилган моддий зарар аниқланиб, шу юзасидан 61 та жиноят иши қўзғатилди. Шу кунгача 20 миллион 778 минг сўмлик зарар ундирилиб, давлат хазинасига туширилди.

Мулоқотда солиқ тизимига оид қонунчиликни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш борасида солиқ идоралари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

БОЙСУН ҚАДРИЯТЛАРИ УЙҒОҚ ЭКАН

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА ЯРАТИЛГАН «ДИЛХИРОЖ» БАДИИЙ ФИЛЬМИ НАМОЙИШИДАН СЎНГГИ ТААССУРОТЛАР

Фильм намойиши олдидан анъанага кўра фильм ижодкорлари саҳнада тизилишди. Сценарий муаллифларидан бири, фильм бош режиссёри Юсуф Розиқов фильм яратувчилари билан таништирар экан, асосий роллар ижрочилари орасида халқ артистлари Зикир Муҳаммаджонов ва Тўти Юсуповадан тортиб, ҳозирча фақат тоғ оҳусидек мафтункор ҳаракати, овози билангина ёшлар назарига тушган Севинч Мўминова, илк бор бош қаҳрамон ролини ижро этаётган Алишер Ҳамроевларгача борлиги ҳар ҳолда томошабинларнинг фильм бошланишига интиқлигини оширди.

Фильм сценарийси муаллифларидан бири (бизнингча воқелик тафсилотининг асосий ижодкори, чунки у воқеа жойи - Бойсунда туғилиб, униб-ўсган ижодкор) Эркин Аъзамов эстирофича, фильм воқеаларидан ҳеч қандай сиёсий, ҳатто у даражада фалсафий маъно излаш шарт эмас. Бор-йўғи халқимиз, хусусан, Бойсун аҳолиси ҳаётидан лавҳалар, улар балки бироз бадиийлаштирилган, кулгига мойилроқ ифодаланган. Демак фильм кўриш учун, дам олиш учун, ҳатто баъзи ўринларда кулиш учун, хулласи маданий ҳордиқ учун хизмат қилади.Таниқли ёзувчи Эркин Аъзамовнинг бу фикрлари фильм моҳиятининг ҳолислигига ишора эди. Аслида эса ҳар бир воқеликда хулоса, мушоҳада, фалсафий, ҳатто сиёсий қараш бўлади. Бу баъзан фильм ҳаётийлашганда сезилмай туради. Тўғриси, булар фильмда эмас, сизнинг фикри-ҳаёлингизда пайдо бўлади. Адиб шунга ишора қилди, менимча. Акс ҳолда уч-тўрт кундирки, фильм таассуротлари билан юрмаган, фильм воқеаларидан унинг ижодкорлари айтмаган, ҳатто баъзан ўзлари назарда тутмаган хулосалар изламаган бўлардим.

Иккинчи бир бойсунлик таниқли ижодкоримиз Усмон Азимов ўша собиқ шўролар даврида ёзган шеърларидан бирида «...кетиб қопти Бойсундан Бойсун!» деб ёзганидаги ишоранинг мазмуни тушунарли эди. Зотан, собиқ тузум даврида халқимизнинг ҳақиқий қиёфаси - анъана, урф-одати, қадриятлари йўқолиб ва шу билан маънавияти пасайиб бораётганди. Лекин шоир «Қайтарамиз Бойсунга Бойсунни» деб ёза олармиди? Йўқ. Бугун яратилган «Дилхирож» фильми эса ана шу сўзнинг ўзи. Мана, сизга ҳаётий, халқона сиёсат.

Хуллас, фильмни томоша қилгач, хулоса ҳам, мушоҳада ҳам ҳар бир томошабиннинг ўз даражасига яраша бўлишини сезасан киши. Кимдир ундаги кулгули воқеалар мафтуни бўлди, кимдир умрида эшитмаган, кўрмаган Бойсун одатларидан баҳраманд бўлди, кимдир ўзбекча фильм бўпти, менталитетимиз ҳисобга олинибди, дея ўз баҳосини ҳам берди. Булар «Киночилар уйи» биносидан чиқар-чиқмас айтилган гаплар. Унинг баҳосини эса йиллар беради.



Бу айтилганлар жуда оз. Фильмда ниҳоятда кўп нарса бор, айни пайтда кўп нарса йўқ ҳам. Фикрга шошилинч ургу берувчилар «йўқ» сўзини бу йўналишдаги фильмлар яна яратилади, деган маънога йўйсалар етарли бўларди. Ўйлаброқ қаралса эса, бу фильм айни пайтда баъзи бир чаққон фильм яратувчиларга фильм фақат ижод эмас, ҳаёт маҳсули, ижод самараси бўлиши лозимлигини ва бу ҳали бошланиши эканлигини уқтиргандек бўлади. Шундай бўшлиқ мавжудлиги яъни, ижодкорлар ўртасида мавзу талаш эмаслиги сабабли бўлса керак, фильм воқеликлари бир неча фильмларга мавзу бўладигандек сезилди назаримда.

Юқорида айтганимиздек, фильмда кўп нарса бор, аниқроғи ҳар ким ўзига ярашасини топиши мумкин. Фильм бошланишидан олдин муаллифлар фильмда салбий қаҳрамонлар йўқ, деди. Бу аслида халқимиздаги «Одамнинг ёмони бўлмайди...» деган гапга тўғри келади. Зотан ҳали айтдик-ку фильм ҳаёт маҳсули деб. Шунингдек, фильмда салбий ҳолат ҳам йўқ. Бу яна томошабиннинг эркинлигини ўзига беришдир. Яъни, ҳаётда яхши, ёмон одамни ҳам, ижобий, салбий ҳолатни ҳам ўзимиз ўзимизга нисбатан яратамиз.

Қишлоқда икки ёш: ўғил, қиз тоғлик одатга кўра гўдаклигидаёқ ота-оналари томонидан бир-бирига келин-куёв дея ният қилинди. Буни қарангки, уларнинг бахтли булиб, тўйу томошалар қилиб оила қуришларига тўсқинлик қилган ҳолат ҳам одатлар бўлди. Аввало суннатга ётқизилган пайтдаёқ ўз ғурурини кўрсатган бола ва қизалоқнинг ғурури балоғатда яна ошганлиги сезилди. Фильмни кўрсангиз сезасиз, бу ғурур туйғуси «Қаллиқ ўйин» бўлиши керак, деб туриб олганида йигитнинг онаси томонидан ҳам ифода этилади. Бу одат ғоясига кўра, туни билан ухламай, ҳамманинг ухлашини кутиб, келин олдига келиб, кампир пойлоқчилигида ширин висол қуролмаган йигит - йигит эмас. Кечаси «Қаллиқ ўйин» ижро қилиб, кундузи қураётган уйи учун кўз юмиб лой кечган йигит шундай кунлардан бирида остонада йиқилиб жон таслим қилган бобосини сўнгги манзилга, сўнг Санам билан иккиси эса таъзия маросимларию, бу орада ўтиши керак бўлган йилга туташган кунларни ўтмишга кузатиши керак бўлади. Демак «Қаллиқ ўйин» роса чўзиладиган бўлди. Булар ниҳоялай деганда «военкомат»дан «повестка» келди. Сал демаса Санам бўйидаги боласи билан ўзини осиб қўяй деди. Фарзанд - Бобоёр (у тоғда яшаётган бобосиникида туғилди) дунёга келади. Ёр висолига тайинли етмаган, бунинг устига фарзанд дийдори қийнаган, куёв -Тоштемир икки ой қолганда хизматдан қочиб келиб, «дезиртир» бўлди. Бу кунлар ҳам ўтиб, у жазони ўтаб қайтди. Яна висол оқшоми, фарзанд билан кўришув «Қаллиқ ўйин» тарзида кечди. Чунки ҳали тўй бўлмаган. Уларнинг барча «Қаллиқ ўйин»ларида пойлоқчи бўлган Санамнинг момоси бир гал деразадан чиқаётган Тоштемирни тўхтатди. Унинг ўтинчи шундай бўлди: қазоси етса, тўйни тўхтатмасликларини зорланиб сўради. Шундай бўлди, тўй куни, икки қалбнинг неча ўн йиллаб кутган тўйи куни момо бу илтимоси инобатга олинишига комил ишонч билан беармон мангуга уйқуга кетди.

Ҳар гал тўй бўлишига халақит бераётган ҳолатни томошабин нима деб баҳолайди. Қадриятларимиз қадримизга қаршими, дейди биров. Йўқ, асло, буларни ижро этган биз одамлар қаршидирмиз ўзимизга. Демак биз ўзимизга хайрихоҳ бўлайлик экан-да. Хуллас, адиб Э.Аъзамов айтганидек бу бор-йўғи кино.

Чори ЛАТИПОВ

Суратларда:
фильмдан лавҳалар

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

Фарғона вилояти

ЮЗ ЁШЛИЛАР КЎП БИЗДА

- Бобо ва бувиларнинг раҳматини эшитган, дуосини олган киши кам бўлмайди,- деди «Нуроний» жамғармаси Бувайда туман бўлими раиси Абдуғаффор Абдужалилов «Туркистон-пресс» мухбирига.

Бунинг учун эса яратувчанлик ишлари билан шуғулланиш, ҳалол ва покиза юмушларга қўл уриш керак.

А.Абдужалиловнинг айтишича, туманда 10 минг 205 нафар қариялар истиқомат қилади. 100 ёшдан ошган пири-бадавлат кишилар эса 16 нафар бўлиб, Оқтепа қишоғидаги Сурхон момо Олимова, Жай қишлоқлик Оминахон момо Маҳмудова, Шўр қишлоқлик Турсуной момо Нажимовалар 110 ёшдан ошди.

- Бу йил кўкламда тумандаги ҳар бир киши 10 тупдан мевали ва манзарали дарахт экишади,- деди сўзини давом эттириб А.Абдужалилов. - Бу ҳақда матбуот орқали эълон қилдик. Шунингдек, Наврўз куни тадбиркор ака-ука Аминжон ва Абдураззоқ Раҳимовлар томонидан бунёд этилаётган замонавий «Нуроний» чойхонаси фойдаланишга топширилади. Қарияларни эъзозлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш ҳамиша диққат эътиборимизда бўлади.

«Туркистон пресс» хабарларидан

АРДОҚДАСИЗ...

Пойтахтдаги Исломобод маҳалласида Шайхонтоҳур тумани Маънавият ва маърифат бўлими, «Сорос» жамғармаси очиқ жамияти институти ва маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида маҳалла фаоллари, қариялари иштирокида «Қарияларни ардоқлайлик» мавзуида семинар - кенгаш бўлиб ўтди.

- Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши айни муддао бўлди,- деди Исломобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Қосимов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Маҳалламизда ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ва тиббий жиҳатдан ҳимоя қилинишга, қўллаб-қувватланишга муҳтож қарияларимиз йўқ эмас. Биз барча имкониятларимизни ишга солиб, биринчи галда қўллаб-қувватланишга муҳтож отахон ва онахонларимизнинг кўнглини овлашга ҳаракат қилаяпмиз. Зеро, хонадонларимизнинг файзи шулар билан.

Йиғилишда «Сорос» жамғармаси очиқ жамияти институтининг раҳбари Искандар Исмоилов, «Кросслинк интернейшнл»нинг соғлиқни сақлаш лойиҳаси бўйича бош бошқарувчиси Кайл Зиммерли қариялар соғлиғини сақлаш зарурат туғилганда уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ўз маслаҳатларини бердилар ва Жойс Вонч ҳамда «Кросслинк интернейшнл» чоп этган «Биринчи ёрдам» китобчасини текин тарқатдилар.

Сурхондарё вилояти

КЎЗГА НУР - ҚАЛБГА МЕҲР

- Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бир гуруҳ қарияларни хурсанд қилдик, - деди Республика «Наврўз» жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлимининг раҳбари Маннон Бердиев «Туркистон пресс» мухбирига.

- Вилоятимизнинг турли туман ва шаҳарларида истиқомат қилаётган, кўзойнакка эҳтиёжманд юзга яқин онахон ва отахонга бепул кўзойнак совға қилдик. Арзимас бўлиб кўринган ана шу совғаларни олаётганларида кексалар ғоятда хурсанд бўлишди. Биз билдикки, инсон қалби учун игнадек бўлса ҳамки, мурувват катта ҳикмат экан. Энди йил давомида қарияларни у ёки бу муносабат билан қўлдан келганча йўқлаб, сийлаб туришни режалаштирдик.

ГЕРОНТОЛОГИЯ - КЕКСАЛАР ҒАМХЎРИ

Бундан бир йил муқаддам Ибн Сино номидаги халқаро жамғарма қошида «Геронтология маркази» очилган эди.

- Геронтология асли кексалик ҳақидаги фан бўлиб, унга бундан қарийб минг йил илгари Ибн Сино асос солган,- деди Ибн Сино номидаги халқаро жамғарма бошқаруви раиси Шуҳрат Эргашев. - Буюк аждодимиз кексалик даврида қандай ҳаёт кечириш лозимлиги тўғрисида бир қанча рисолалар яратган. Шунинг учун ҳам геронтология бизга таниш фан, лекин ҳали кенг ривожланмаган.

Шуҳрат Эргашевнинг таъкидлашича, замонавий тиббиётда кексаларга кексалик аломатларига қараб бир хилда ташхис қўйилган, бир хилда даволаниб келинган. «Геронтология маркази» дастурига кўра эса, кексалар геронтолог мутахассислар ташхиси асосида ўзига хос даволаниш ва тикланиш босқичларидан ўтишлари лозим. Биринчи навбатда бемордаги кексалик аломатлари билан касаллик белгилари фарқлаб олиниши, уларнинг руҳан бардам бўлишларини таъминлаш зарур. Бунинг учун улар албатта психолог, зарур бўлган тақдирда психиатр ва бошқа мутахассислар кўригидан ўтиши лозим. Сўнг энг замонавий клиника ва санаторийларда даволанишлари кўзда тутилган эди.

- Кексалар руҳан тетик, бардам ва бақувват бўлишлари учун уларга даставвал маънавий, маърифий жиҳатдан тўғри ёндаша билишимиз лозим,- деди жамғарма бошқаруви раиси. - Бунинг учун асосий эътибор «Соғлом кексалик»ка қаратилган бўлиши керак. Марказ фаолиятида биринчи навбатда ана шу масалаларга эътибор қаратилган эди. Афсуски, аҳолининг тиббий билим даражаси ёки бу ҳақда маълумот кам бўлганлиги учун, марказнинг афзалликларини тушуниш имконини бермади. Лекин фаолиятимиз шу билан чекланиб қолгани йўқ. Врачлар малакасини ошириш институти тингловчилари учун геронтология фани бўйича махсус маърузалар ташкил этдик. Маҳаллаларда Ибн Сино масканлари очилди. Бундан ташқари давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда халқ табобати асосида даволаш усулларини йўлга қўймоқдамиз. Тез орада Ибн Сино ўгитларини туркум китоблар шаклида нашр эттиришни режалаштирганмиз. Улар орасида албатта геронтология хусусида ҳам алоҳида китобча чоп этилади.

«Туркистон-пресс»

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04). Агар куч-ғайратингизни тўғри тақсимлай олсангиз, шу кунларда режалаштирган ишларингизнинг барига улгурасиз. Ҳар ҳолда тижорат билан боғлиқ молиявий алоқаларда эҳтиёткорроқ бўлинг.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Сиз эса нақд пул билан муомилада жуда огоҳ бўлинг. Тартиб-қоида чегарасидан чиқмасангиз ва раҳбарингиз ҳамда оиладаги катталар билан мулойим бўлсангиз кунларингиз тинч ва осуда ўтади. Аксинча...

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06). Атрофингиздагилар билан муносабатга алоҳида эътибор беринг, чункишу кунларда оилада ҳам, иш жойингизда ҳам кўп нарса сизнинг хатти-ҳаракатингизга боғлиқ бўлади. Ҳар қандай яхши фаолият қаршиликка учраши ҳам мумкинлигини ёдда тутинг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07). Яхшиси бу ҳафтани «қобиғингиз»дан чиқмасдан жимгина ўтказганингиз маъқул. Эҳтиёткорлик ва майда-чуйдаларга эътибор ҳар доимгидек ҳамроҳингиз бўлсин.

АРСЛОН (23.07-22.08). Ўтаётган ҳафтада севги бобида омадингиз чопмайди. Меҳрга зўравонлик билан эришиб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда бу ҳафтани ўтказиб олсангиз, келгусидаги муаммоларнинг олдини олган бўласиз.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Из-зат-нафсингизга тегмоқчи бўлганлар билан тортишиб ўтирманг. Сабр-тоқатли ва келишувчан бўлинг. Ушбу кунларда Сиздан кўпроқ иродали бўлиш талаб этилади. Оила аъзоларингизга ва соғлиғингизга эътиборли бўлинг.

ТАРОЗУ (23.09-22.10). Иложи бўлса узоқ сафар ва меҳмондорчиликка боришни кейинроққа қолдиринг. Бутун эътиборингизни соғлиғингизга мустаҳкамлашга қаратинг.

ЧАЁН (23.10-22.11). Молиявий ишларингизда «Етти ўлчаб бир кес» мақолига риоя қилинг. Бу соҳадаги арзимас хато ҳам катта қўнгилсизликларни келтириши мумкин. Кучингиз етиши гумон ишга қўл урмай туринг.

ЎҚ ОТАР (23.11-21.12). Бу ҳафтада Сизга алоҳида самовий кучқудрат ёғилиб турибди. Босиқлик, ақл билан иш кўринг, ҳиссиётларга берилманг. Шунда яқинларингизни ҳафа қилиб қўйиш хавфидан йироқ бўласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Яқин одамингиз ҳақида ғаройиб янгиликдан воқиф бўласиз. Ортиқча ҳиссиётга берилманг, одамларни тушунишга ҳаракат қилинг. Ўткинч ташвишларга қўйинманг.

ҚОВҒА (20.01-18.02). Бу ҳафтада энг биринчи вазифангиз - таваккал иш қилмаслик! Усти ялтироқ нарсанинг ичи ҳамиша ҳам чиройли бўлавермайди.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Оилавий муносабатларда Сизга кўпроқ оғир-босиқлик керак бўлади. Айниқса ота-онангизга кўпол муомилада бўлишдан, оилавий анъаналарга қарши чиқишдан сақланинг.

-Эшитмасангиз ўчириб қўйинг, нима қиласиз мени бекорга жавратиб.

А.ҲАКИМОВ ва Ҳ.СОДИҚОВ чизган расмлар

Йиғлаётган боласини овутолмай оввора бўлган аёл эрига юзланди:
- Унга қўшиқ айтиб берсаммикан, балки овуниб қолар?
- Шошма, аввал яхши гапириб кўрайлик-чи...

Эр-хотин жанжаллашмоқда. Хотин:
- Бас, етар! Ҳаммаси тамом. Мен бу уйдан кетаман. Онамникига кетаман, йўлкира берсангиз бўлди!
Эр дарров хотинига пул узатди.
- Бу фақат боришим учун етали-ку, қайтишимга-чи?

Икки йигит суҳбатлашмоқда:
- Анави бойваччани кўряпсанми, ўшани деб мен катта пулдан қуруқ қолдим.
- Нима у сени алдаб кетдими?
- Йўқ, қизини менга бермади...

СКАНВОРД



Тоғ йўлидаги қисқа суҳбат

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 134-мактаб томонидан 1992 йили Дадабоева Нигора Тоҳировна номига берилган 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги 480473 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ХАЛҚ ДОНИШМАНДАЛИГИ, КЕКСА АВЛОД ТАЖРИБАСИ, МАҲАЛЛА ҲАЁТИНИНГ ОЙНАСИ — MAHALLA БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шухрат ЖАЛИЛОВ
Расул РАҲМОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари.)
Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи:
Мавлуда ҚОСИМОВА
Саҳифаловчи:
Алишер ЙЎЛДОШЕВ

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-3237 Топширилди—